

**Шарикли ручкалар маҳсулотларининг мамлакатимизда
ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси
ҳамда рақобат муҳити тўғрисида МАЪЛУМОТ**

Рақобат қўмитаси томонидан ТИФ ТН коди 9608 остидаги **шарикли ручкалар** (ёзиш учун) товар бозоридаги рақобат муҳитини таҳлил қилиш ҳамда ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш бўйича ўрганилди.

Ўрганиш Миллий статистика қўмитасининг 2023 йил учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлар базаси ҳамда Божхона қўмитасининг импорт ва экспорт маълумотларига асосан ўтказилди.

I. Шарикли ручкаларларининг импорт ва экспорт ҳолати.

Ҳисобот даврида **380 та** корхона томонидан **40 та** давлатдан қиймати **4,8 млн АҚШ доллари**га тенг бўлган **152,5 млн дона** шарикли ручкалар **импорт** қилинган.

Импорт қилинган маҳсулотларнинг **66 фоизи** – **Хитой**, **31 фоизи** – **Ҳиндистон**, **3 фоизи** эса бошқа **38 та** давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Импорт асосида олиб келинган маҳсулотларнинг ўртача нархи 1 донаси учун **500 сўмга** тўғри келган.

Импортнинг концентрация даражаси ўрганилганда **энг йирик 5 та** импорт қилувчи корхона ҳиссасига жами импортнинг **44 фоизи** тўғри келган.

2023 йилда **14 та** корхона томонидан қиймати **4,8 минг АҚШ доллари**га тенг бўлган **64 минг дона** шарикли ручкалар **экспорт** қилинган. Экспорт қилинган мазкур маҳсулотларнинг ўртача нархи 1 донаси учун **900 сўмга** тўғри келган.

II. Ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси.

Миллий статистика қўмитаси ва Божхона қўмитасининг 2023 йил бўйича расмий статистика маълумотларига асосан ички бозорда ТИФ ТН коди 9608 остидаги маҳсулотларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси аниқланди.

Маълумот учун, Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорида белгиланган тартибда ҳисобланди.

2023 йил давомида **5 та** хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қиймати 15,4 млрд сўмлик **5,1 млн дона** шарикли ручкалар ишлаб чиқарилган.

Мазкур маълумотлар асосида шарикли ручкаларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан **тўйинганлик даражаси** 2023 йилда **3,2 фоиз**ни ташкил этганлиги аниқланди.

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорига асосан товар бозори ҳажмида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўйинган ҳисобланади ва мазкур улуш ушбу кўрсаткичдан кам бўлганда товар билан тўйинмаган ҳисобланади.

III. Ички бозордаги рақобат ҳолати.

Таҳлиллар доирасида шарикли ручкалар ишлаб чиқариш бозоридаги рақобат ҳолати халқаро тан олинган **ННІ** (Херфиндал-Хиршман индекси) орқали баҳоланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар сони ва ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлари асосида **ННІ** индекси ҳисобланганда, индекс натижаси **9 730 пункт**га тенг бўлганлиги ва ушбу товар бозорида рақобат муҳити ривожланганлиги аниқланди.

*Маълумот учун: **ННІ** (Херфиндал-Хиршман индекси) бозордаги рақобат муҳитини баҳолаш ва концентрация даражасини аниқлаш учун фойдаланилади. Унга кўра, ННІ кўрсаткичи **0 дан 1500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити ривожланган**, **1500 дан 2500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити етарлича ривожланмаган**, **2500 дан 10 000 пунктгача** бўлганда бозор **юқори даражада монополлашган** ҳисобланади.*

IV. Хулоса.

ТИФ ТН коди 9608 остидаги **шарикли ручкалар** (ёзиш учун) маҳсулотининг тўйинганлик даражаси фақатгина **3,2 фоиз**ни ташкил этиши ҳамда ички бозорда мазкур маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги сабабли, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича **янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**